

**1.2. ШЕЪР ГРАФИК ШАКЛИНИНГ ПОЭТИК ИФОДА ВОСИТАСИ СИФАТИДА  
ФАОЛЛАШУВ ОМИЛЛАРИ**

Андижон давлат университети  
Докторанти **Т. Тожидинов**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Шеър график шаклининг поэтик ифода воситаси сифатида фаоллашув омиллари таҳлил қилинади.

**Anatation:** This article analyzes the factors that activate the graphic form of poetry as a means of poetic expression.

**Аннотация:** В данной статье анализируются факторы активизации графической формы поэзии как средства поэтической выразительности.

**Калит сўзлар:** ифода эҳтиёжи, хаттотлик, нотик.

**Ключевые слова:** потребность в выражении, каллиграфия, оратор.

**Keywords:** need for expression, calligraphy, orator.

Инсонга хос ифода эҳтиёжи тафаккур билан ўзаро алгоритмик муносабатда бўлиб, бир-бирисиз мавжуд эмас. Аникроқ айтилса, ифода тафаккурнинг мантиқий давомидир. Бошқа бир томондан, бу икки жараённи параллел кечадиган диалектик муносабатдаги ҳодисалар дейиш тӯғри бўлади. Чунки инсон тафаккури ҳаракатга келиши билан ифодага эҳтиёж сезади. Шунга кўра, инсонга хос ҳар қандай ифода йўсини тафаккурнинг намоён бўлиш шакли ҳисобланади.

Инсон онгига кечаётган ҳар қандай фикрни ифода қилиш билан бирга, унинг ўзи бу жараённинг қай даражада амалга ошаётганини назорат қилувчи иккинчи томон вазифасини ҳам бажаради. Ифодани қайта (ифода қай шаклда бўлишидан қатъи назар) кўриб чиққан яратувчи унинг ифодавий қимматини онгидаги мазмунга мос кўрган тақдирдагина адресатга тақдим қиласди. Аммо онгда мавжуд мазмун кўп ҳолларда инсоннинг ўзини англашига қаратилган бўлади ва ифодачининг ўз қарашларини таҳрирлаш эҳтиёжларига хизмат қиласди. (Чунки инсон нутқий фаолиятни бошқалар билан муносабат ўрнатишдан кўра тафаккур вақтида кўпроқ фаоллаштиради.) Шундай бўлган тақдирда ҳам ифода эҳтиёжи сақланаверади ва ифода жараённинг якун топиши унинг ифодачи назидаги мукаммалликка эришганини англатади.

Бундан ташқари, ёзув сатҳи ва ёзув комбинацияси, яъни сўзларнинг сатҳ бўйлаб қай йўсин жойлашуви ҳам ифодавий қиммат касб эта бошлади. Чунки бу масала ёзув имкониятларини инобатга олган ҳолда тўлалигича нутқни ёзма шаклда қайта ташкилловчининг ихтиёрида бўлади. Яъни ёзувчи матнни қоғозга туширас экан, уни сатҳда аслига – онгидаги кўринишига мос қайта ифодаланишини мақсад қиласди. Фикр тартиби уларнинг даражаланиши, ўзаро муносабати, маъно нозикликлари шулар жумласидан.

XX аср аввалидан бошлаб юртимизда китобат қилиш – бадиий матнни ўқувчига етказиш имкониятлари шиддат билан ривожланди, қисқа бир даврда литографиядан типографияга, ундан рақамли технологияларга ўтилди. Ёзув воситаларининг янгиланиб бориши эса, табиийки, шеъриятнинг ҳам шунга мос янгиланишини тақозо этади. Зеро,

“Дараҳт ўз япроқларини янгилаб турмаса, ўсмагани каби шеърият ҳам тинимсиз изланишлар ичра бўлмаса, ички тараққиёт тўхтаб қолиши мумкин...”<sup>1</sup>

Хуллас, XIX аср ўрталарида мамлакатимиз ҳудудига типографиянинг кириб келиши ва тезкор ривожланиши:

1) матн график қурилишининг айнан ижодкор ўзи ташкиллаган шаклда ўқувчига узатилиши;

2) матн нусхалари орасида график жиҳатдан тафовутларнинг кескин камайиши каби икки муҳим натижа берди.

Бу эса ижодкор ва ўқувчи ўртасидаги алоқанинг воситачидан (хаттотдан) ҳоли бўлишига олиб келди. Жараёнга бошқа бир мутахассис – муҳаррирнинг аралашуви вужудга келган бўлса-да, у матннинг амалдаги тил меъёрларига мослигини таъминлаш билан шуғулланар, ёзув шакли билан боғлиқ график воситаларга аввалгидан камроқ даҳл қиласди. Айниқса, бадиий матн маҳаррири ижодкорнинг график воситалар орқали ифодалangan мазмунни сақлашга алоҳида эътибор қиласди.

Жамиятимизда компьютерларнинг ёзув воситаси сифатидаги вазифасининг фаоллашуви ижод жараённига ҳам ўз таъсирини кўрсатди, албатта.

(Омадлиман мана қаршимда

Компьютеру, стол ва қоғоз)<sup>2</sup>

Анъанавий бадиий ижод ашёлари: қоғоз ва қалам ўрнини электрон ҳисоблаш машиналари эгаллай бошлади. Бу ижодкорга асарни эркин ва қулай шароитда таҳрирлаш имкониятини берди. Бундан ташқари компьютер дастурларида мавжуд ёзувнинг турли шакллари шоир учун ифода воситасига айланди. Энг аҳамиятли жиҳати шоирда компьютерда терилган матнни, ўз шеърини, босма шаклда қандай қўринишда бўлиши ҳақида тўла тасавурга эга бўлиш имконияти шаклланди. Шунга кўра, у ўзи бадиий мақсад қилган мазмунни тўла ифода эта оладиган матн шаклини яратиш ва ўзгаришсиз узатиш имкониятига эга бўлди. Яъни “Хаттотликнинг замонавий таърифига кўра: “Белгиларни ифодали, уйғун ва моҳирона лойиҳалаш санъати”ни эгаллади.”<sup>3</sup> Айни жараён график воситаларнинг ифодавий фаоллигини рағбатлантириди.

Иккинчи томондан эса, матн таҳлилига киришилган вақтда ёзув воситасида моддийлашган матн графикасини онгли равища, маҳсус ташкилланганини инобатга олиш унда ифодаланиши мақсад қилинган мазмунни тўла қувват билан англашда жуда муҳим масалага айланди.

Ёзма нутқ ифодавий мукаммалликка эришиш йўлида табиий тўхтовсиз ҳаракат қилса-да, ҳеч қачон мукаммал ифодавийликка эга бўлмайди. Чунки у жонли оғзаки нутқнинг реал иштирокчилари сўзловчи ва тингловчи орасидаги иккиласми чосиҳа ташкил қилган кодлар ёзма нутқ иштирокчилари (ёзувчи ягона бўлган ҳолда ҳам, ўқирман бирдан ортиқ бўлади) томонидан, табиий, фарқли қабул қилинади.

График шакл ифода имкониятларининг фаоллашуви Янги ўзбек шеъриятининг шаклланиши билан бирга кечди ва мос равища бирга ривожланди. Адабий жараёндаги

<sup>1</sup>Қ. Йўлдошев. Ёниқ сўз. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б 106

<sup>2</sup> Усмон Азимнинг шеърий концерти. [Интернет манба]. URL: [https://youtu.be/murojaat\\_qiliq](https://youtu.be/murojaat_qiliq) сана:12.12.2022 )

<sup>3</sup> Каллиграфия – Википедия [Интернет манба]. URL: <https://ru.wikipedia.org> (Мурожаат қилинган сана:12.12.2022 )

маълум оралиқ алоҳида давр сифатида айириб кўрсатилар экан, аввало, унинг хос хусусиятлари ҳақида сўз боради. Назарда тутилган адабий давр хусусиятларини аниқлаш вақтида таққослаш, таснифлаш каби бир қатор амалиётлар бажариладики, аниқланган жиҳатлар сўз бораётган даврни ташкил қилувчи қисмлардек тасаввур уйғотади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, адабий даврга хос хусусиятлар уни юзага келтирган омиллар эмас, балки эҳтиёж ўлароқ шаклланган адабий жараённинг натижаси бўлиб, улар назарий қарашлар асосида аниқланади. Зеро “...назария ҳамиша ижод амалиёти ортидан боради, чунки (у) ўз қонун-қоидаларини унинг ютуқлари асосида ишлаб чиқади...”<sup>4</sup>

Ўзбек шеъриятида юз берган янгиланишлар эса шеърнинг ташки қурилишига ҳам янгича ёндашувни талаб қиласди. Бугунги кун шеъриятида график шакл мазмундан аввал тайёр бўлган қолип эмас, балки ифода воситасига айланди. У, энг аввало, мазмуннинг натижаси, қолаверса, шеърий нутқка хос ихчамлик ва зичликка путур етказувчи тафсилотлар ва ёндош матнларни ифодалашнинг ўзига хос йўли бўлиб хизмат қилмоқда. Шунга кўра, шеър график шаклининг янги имкониятларини ифодавий вазифаларини кўриб чиқиши ўринли бўлади. Чунки шеърнинг график шакли бадиий тасвир ва ифода воситаси сифатида мазмуннинг тўла ифода этилишига ва ўқувчи томонидан қайта идрок этилишига хизмат қиласди.

Биринчидан, адабиётимиз тарихида аruz вазнида ёзилган кўплаб мукаммал лирик асарлар борлигини таъкидлаш билан бирга, шуни ҳам айтиш керакки, унинг мазмун ва шаклга кўйган талаблари шу даражада қатъий бўлиб, ижодкор мазмундан аввал вазн ва шакл талаби билан ҳисоблашишга мажбур эди. Бутун аruz назариясида ягона моҳият – “вазнга мажбуrlаш” асосида бирлашадиган “васл, имола, сакта, таслим, тазниб, тағиyr”<sup>5</sup> деб аталадиган қатор ҳодисалар фикримизнинг далили бўла олади. Бу ҳодисаларнинг умумий моҳияти вазн талабини бажариш учун сўз, ёки сўзларга ўзгариш киритиш, уларнинг талаффуз чегарасини қайта тақсимлаш бўлса-да, бу муаммонинг ҳаммаси эмас. Айни ҳолдаги энг муҳим муаммо қилинган ўзгаришларнинг шеър график шаклида ифода қилинmasлигидир. Ўқувчи мутолаа вақтида юқоридаги каби ҳолга дуч келса, у икки йўл:

а) нутқ ирод этишини давом эттириш(вазни сақлаш)ни;

б) ритмни бузиб, байт мазмунини англашдан бирини танлаши керак. Натижада шеър бир ўқишида англанмайди. Ўқувчи эса мақсади (декламация қилиш ёки эстетик завқ олиш)га қараб шеърга қайта ёндашишга мажбур бўлади. Юқоридаги каби қатор омиллар сабаб мумтоз адабиётимиз мукаммалликка эришиб бориш билан бир вақтда чинакам ижод табиатига ёт қолипланган кўриниш ола бошлади. Оқибатда кейинги даврларга яқинлашгани сари мумтоз шеъриятда умумий шаклга солинган мотивлар, образлар, гоялар, туйғулар тақрори кузатилди. Мумтоз адабиётимизда энг кўп учрайдиган ғазаллар арузниң турли баҳрларида ёзилса-да, уларнинг шаклий қурилишини ягона моҳият – математик ҳисоб-китоб бошқариб туради. Ижодкорнинг ягона имконияти эса мавжуд шакллар ичida янгича тематик композицияни яратишдан иборат бўлиб қолдики, бу ҳол маълум даражада бадиий тафаккур тушовига айланди. Юқорида таъкидланган қатъий шакллар хукмронлиги шароитида янги шеъриятга эҳтиёж сезилди: “Мумтоз шеъриятда изометрияга, жумладан, шеърий асарларда бандларнинг бир хил (мисралар сони, ўлчови, қоғияланиш тартиби) бўлишига қатъий амал қилинган бўлса, кейинги давр шеъриятида

<sup>4</sup> Қурунов.Д.Мутолаа ва идрок машқлари\Шеърхонлик машқлари. – Тошкент: Академнашр, 2013. –Б 205

<sup>5</sup> Д. Зоҳидова. Аруз сабоқлари. – Тошкент: Mumtoz so’z , 2016. – Б 37

(ғарбда романтизм даврида, ўзбек шеъриятида XX асрдан) бу қоидадан чекиниш одатий ҳолга айланди...”<sup>6</sup> Аввало, янгиланиш эҳтиёжи адабиётнинг ижтимоийлашиш зарурияти юзасидан мазмунда кечса-да, янги мазмунни ифода этишга қодир шаклга ҳам талаб мавжуд эди. Бармоқ вазнининг қайта фаоллашуви ва унинг негизида график шаклдаги янгиланишлар XX асрнинг биринчи чорагида юз берган шеъриятимиздаги ўзгаришларнинг асосийларидан биридир. Чунки аruz вазни кириб келгунга қадар бармоқ вазнидан, асосан, халқ оғзаки ижодида ва ҳали нутқнинг ёзувдаги ифодаси у қадар фаол бўлмаган ёзма адабиётимизда фойдаланилар эди. Бармоқ вазнининг қайта фаоллашуви вақтида эса оғзаки нутқни ёзувда ифода этиш нормал ҳолатга айланган. Бу эса янги вазнга таянган асарнинг ёзувда моддийлашишидан ҳам ифода воситаси сифатида фойдаланишга имкон яратди. Бундан график шакл ифодавий фаоллигини бармоқ вазнининг қайта фаоллашуви билан бирга кечганини кўриш мумкин. Аммо ҳозиргача адабиётшунослигимизда мавжуд “шеър тузилиши унсурлари, даставвал, шеър тизимлари қонуниятлари асосида яратилишини инобатга олиш зарур”<sup>7</sup> қабилидаги фикрлар шеър график шаклига ҳалигача муносабатнинг янгиланмаганига далолат қиласди. Юқоридаги фикрга кўра, шеър тузилиши унсурларининг айни қандай шаклланишини вазн бошқарив туради. Яъни аввал қоидалар яратилган ва шу қоидалар асосида шеър ёзилади каби адабиётнинг мавжудлик шартларига зид фикрни англаш мумкин.

Бу ўринда қолиплашган шеърий шаклни инкор этиш ҳам бир қадар ноўрин. Бу қонуниятлар ҳам ўз даври учун бениҳоя қимматли, аммо адабиёт ҳаракатда ва ўзгаришга мойил экан, бугунги кун шеърияти учун шеърий шаклга нисбатан янгича ёндашув зарур. Гулбаҳор Сайдғани янгилangan шеърият ҳақида “барча “мавжуд” (изоҳ бизники) қоидалар анъанавий шеърият учун тўғри, лекин ноанъанавий шеърият учун бекор. XX аср охири – XXI аср бошларида шаклланган модерн шеъриятда строфикага қўйилган ҳамма талблар бузилади”.<sup>8</sup> Бу ўринда фикр мантиқан тўғри эса-да, ифодага нисбатан бироз эътиroz туғилади. Олима назарда тутган шеъриятни ноодатий ёки модерн шеърият дея баҳолаш бироз хато. Шакл билан боғлиқ янгиланишларни ифода усули билан боғлиқ янгиланишлар дея баҳолаш ўринли бўлар эди.

Иккинчидан,”...янгилangan ижтимоий-тарихий шароитда яшаётган инсон қалбини акс эттириш учун шеъриятни ҳам шунга мувофиқ ислоҳ қилиш зарурати юзага келди...”<sup>9</sup>, ҳар соҳада янгиланишларни англаган (яна қандай шароитда – узоқ вақт оғир турмуш тарзидан зада бўлиб ҳар қандай силжиш катта бир янгиланиш, дея баҳолайдиган бир вақтда) кишининг руҳияти ўтмишидаги ҳар қандай анъана ва ақидаларга танқидий назар билан қарап экан, бесаранжомлик, жўшқинлик ҳаракат хоҳиши каби қатор ҳолатлар ҳам унинг руҳиятида бирдек акс этади. Айни вақтгача бўлган шеърий шакллар биринчи томондан, “эскилик анъанаси” эканлиги билан, иккинчи томондан юқоридаги каби қаҳрамон (лириканинг ижтимоийлашувининг энг бирламчи белгиси қаҳрамоннинг реал вақтдаги кишиларга мос келиши эканлигини таъкидлаш керак)ни акс эттиришга имкон бермаслиги сабабли ўз қиммати йўқота бошлади.

<sup>6</sup>Quronov. D, Mamajonov.Z, She’ralieva.M. Adabiyotshunoslik lug’ati.-Toshkent: “Akademnashr”, 2013.-Б 62

<sup>7</sup> Т. Бобоев. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон. Тошкент, 2002. – Б 194

<sup>8</sup>Сайдғаниева. Г. Истиқлол даври лирикаси строфика ва ритмнинг поэтир образ яратишдаги ўрни: Фил.

фан.номз...дисс. – Тошкент: 2011. – Б 46

<sup>9</sup> У. Ҳамдам. Янги ўзбек шеърияти. – Тошкент: Adib, 2012. – Б 5

Юрақда умидлар, аламлар...  
 Тұзимсиз қирғоқни босаркан,  
 Нега мен чақмоқдай югурмай?!  
 Эскиган, чириган тамаллар,  
 Йүқлилекка эгри йўл ясаркан,  
 Нега мен ундан юз ўгирмай?!

Кўнглим ёш, руҳим ёш, кучим ёш,  
 Ёш йўллар, ёш гуллар излайман.  
 Орқага тортганга ҳадям – тош,  
 Ҳар чоқ мен илгари ундейман...<sup>10</sup>

Шеър тематик композициясини ташкиллаш учун мисраларнинг бандларга маҳсус тақсимланиши(6/4), лирик қаҳрамон кайфияти ва кечинмага мос ритм, интонацияни шакллантирган тиниш белгилари, хусусан, бир неча муқобил тиниш белгилари орасидан биттасининг (...) танланиши ва қўшалоқ қўлланиши билан боғлиқ ўринлар лирик қаҳрамон руҳиятига хос динамикани ифодалашда график шаклнинг ифода воситаси сифатида фаоллашувини кўрсатади.

Учинчидан, авом ҳалқни уйғотишини мақсад қилган жадид адабиёти, мумтоз адабиётимиздан фарқли, ҳалқнинг оғир ахволига ойна тутишдек кескин йўлдан борди. У вазмин, донишмандона оҳанг – дидактикадан киноя ва аччиқ таънага бой динамик оҳангни танлади. Натижада шеъриятимизда нотиқлик санъати белгилари пайдо бўлди. “Нотиқ ишонтиришга далиллаш билан, завқлантиришга услубнинг гўзаллиги хисобига, ўз измига солишга эса кучли эҳтирос ёрдамида эришар эди. Жадид шоирлари шеърий нутқ ирод этаркан, ишонтириш ва ўз измига солишга асосий эътиборни қаратадилар, завқлантириш мақсади эса буларнинг соясида қолади. Натижада шеърнинг шаклий хусусиятлари, услуги ва тили ҳам шунга мувофиқ кўриниш олади”.<sup>11</sup> Ўз навбатида, бу тўғри танланган йўл бўлиб, саводсиз кишилар кўпчиликни ташкил қилувчи жамиятни илмнинг ягона нажот эканлигига ишонтириш учун энг мақбул йўл эди. Бу эса ижодкордан адресатни ўқувчи сифатида эмас, балки тингловчи сифатида баҳолаш талабини қўйди. Айни вазиятда, ижодкорга шеърнинг декламация жараёнини ташкиллаш мажбурияти юкланар эди.

Қолаверса, маърифат улашиш йўлидаги саъй-харакатлар кўп жихатдан омманинг қай даражада қамраб олинганига боғлиқ эди. Омманинг саводли қисмини ўз ортидан эргаштиришни мақсад қилган адабиёт ҳамма томондан жозибали бўлиши керак эди. График шаклнинг янгиланиши шеърга ўзгача муносабатни ҳам юзага келтирди. Чунки ҳар қандай ўзгариш киши диққатини тортмасдан қолмайди. Аввалгилардан фарқли график шаклга эга шеърни кўрган ўқувчи ҳали мутолаа қилмай туриб адабий асарнинг муҳим шарти – унга ўзгача муносабат билан ёндашиш заруриятини ҳис қиласди.

Тўртингчидан, XIX аср охири XX аср бошларига келиб шеъриятнинг ижтимоийлашувин уни алоҳида бадиий нутқ услубидан сўзлашув услугига яқинлашувига ҳам сабаб бўлди. (Бадиий асарлар тилининг жонли сўзлашув тилига яқинлаша бошлиши Европада XVII -

<sup>10</sup> XX аср ўзбек шеърияти антологияси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: 2007. – Б 29

<sup>11</sup> У. Ҳамдам. Янги ўзбек шеърияти. – Тошкент: Adib, 2012. – Б 46

XVIII асрларда, бизда эса XX аср бошларидан кузатилади)<sup>12</sup>. Жонли сўзлашув услуби нутқнинг бошқа услубларидан нафақат гап қурилиши, сўзларнинг хосланиши, балки нутқнинг ритмик-интонацион қурилиши билан ҳам фарқланади. Шеър график шакли, энг аввало, нутқнинг ритмик-интонацион қурилишини ташкиллашни мақсад қилишини инобатга олсак, XIX аср охири XX аср бошларидаги шеърият хусусида айтилган “Шакл бобидаги изланишлар, энг аввало, шеърнинг ритмик-интонацион сатхига кўзга ташланади...” Бу ўринда шеър ўлчовлари ва шеър шаклларидан жонли тилга, халқ ижодидаги оҳангларга энг яқинларининг кенг истеъфода этилишини назарда тутмоқдаман”<sup>13</sup>, - дейди адабиётшунос У. Ҳамдам. Махсус ташкилланган бадий нутқдан фарқли “жонли тил” нутқ моментига мос ташкилланиши билан фарқланади. Яъни унинг қандай ритмик-интонацион қурилишини бошқарив турувчи ягона мезон нутқ моментига мос ташкилланишидир. Айни шу талабга кўра бундай нутқ бошқа нутқ шаклларига нисбатан бетакрордир. Унинг маълум маънода махсус ташкилланмаганлиги, табиий шаклланиши, график шаклда ҳам ўз ифодасини топади ва муҳим аҳамият касб этади.

Шеър график шакли аввалдан тайёр қолип бўлмай, у мазмуннинг шаклдаги ҳосиласидир. Унинг ҳар қандай шаклига ижодкорнинг онгли яратиги сифатида қарашиб керак. Шеър график шакли матннинг шеърий нутққа хос эканлиги ҳақида тасаввур уйғотувчи биринчи сигналдир. Унинг бу хусусияти бадий асар ўқув жараёнини ташкиллашда, яъни ўқувчини шеърий нутқ мутолаасига тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён нутқнинг шеърий нутқдан бошқа ҳамма турлари учун ягона насрый шаклдан фойдаланиш билан боғлиқ.

### АДАБИЁТЛАР

- 1.Қ. Йўлдошев. Ёниқ сўз. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. – Б 106
- 2.Усмон Азимнинг шеърий концерти. [Интернет манба]. URL: <https://youtobe.com>(мурожаат қилинган сана:12.12.2022 )
- 3.Каллиграфия – Википедия [Интернет манба]. [URL: https://ru.wikipedia.org](https://ru.wikipedia.org) (Мурожаат қилинган сана:12.12.2022 )
- 4.Куронов.Д.Мутолаа ва идрок машқлари\Шеърхонлик машқлари. – Тошкент: Академнашр, 2013. –Б 205
- 5.Д. Зоҳидова. Аруз сабоқлари. – Тошкент: Mumtoz so’z , 2016. – Б 37
- 6.Quronov. D, Mamajonov.Z, She’ralieva.M. Adabiyotshunoslik lug`ati.-Toshkent: “Akademnashr”, 2013.-Б 62
- 7.Т. Бобоев. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон. Тошкент, 2002. – Б 194
- 8.Сайдғаниева. Г. Истиқлол даври лирикаси строфика ва ритмнинг поэтир образ яратишдаги ўрни: Фил. фан.номз...дисс. – Тошкент: 2011. – Б 46
- 9.У. Ҳамдам. Янги ўзбек шеърияти. – Тошкент: Adib, 2012. – Б 5
- 10.XX аср ўзбек шеърияти антологияси. Ўзбекистон миллый энциклопедияси. – Тошкент: 2007. – Б 29
- 11.У. Ҳамдам. Янги ўзбек шеърияти. – Тошкент: Adib, 2012. – Б 46
- 12.Куронов. Д. Адабиёт назарияси асослари.– Тошкент: Академнашр, 2018. –Б 236

<sup>12</sup> Куронов. Д. Адабиёт назарияси асослари.– Тошкент: Академнашр, 2018. –Б 236

<sup>13</sup> У. Ҳамдам. Янги ўзбек шеърияти. – Тошкент: Adib, 2012. – Б 199